

Обод манзиллар

ҚОШҚАЙРОН — ҲЕЧ КИМ ЎЗ ҲОЛИГА ТАШЛАБ ҚҮЙИЛМАЙДИГАН МЕҲР ВА ОҚИБАТ МАСКАНИ



“Отанг ҳам, онанг ҳам маҳалла”, деган ибора бор. Асрлар давомида шаклланган бу ҳаёт ҳақиқати замирида ҳамжиҳатлик, бир-бирига суянчиқ бўлиш, катталарни эъозлаш, кичикларга хурмат, таълим-тарбия, сабр-бардош каби эзгу фазилатлар мужассам. Оғиримиз, энгилмизда ҳам маҳалла ёрдамга келади.

Риштон туманидаги “Қошқайрон” маҳалла фуқаролар йиғинида “маҳалла еттичилиги” томонидан амалга оширилган ишлар кўламига назар солган киши файзли маскандаги ўзига хос иш таърибалари, фаровонлик, меҳр-саховат амалларининг бево-сита гувоҳи бўлади.

Айтишларича, авваллари бу ердан еттига ариқ оқиб ўтган экан. “Қайрон” форс тилида “илон изи” маъносини англатиб, аҳоли ана шу сув йўли қирғоғида кўним топгани боис, бу жойлар “Қошқайрон” деб номланган. Қадимги сув йўллари турли талотўплар сабаб йўқ бўлиб кетган бўлса-да, бу ном ханузга қадар оқибдик, фаровонлик, тўқонлик тилсоли ўлароқ тилларда достон.

Маҳалла фуқаролар йиғинида 2200 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Кўҳна қишлоқ кундан кунга ободликка эришмоқда. Тўқин дастурхон, шинам уй-жойлар аҳоли фаровонлиги маҳсули, десак муболага бўлмайди. Маҳаллада боғдорчилик ривожланиб бораётган. Бугунги кунда 350 гектардан ортиқ ўрикзор боғ барпо этилди. Риштонда машҳур “субҳони” ва “қандак” навли ўрикларни етиштириш, қуритиш, қайта ишлашда қошқайронликлар олдига туша-

дигани кам. Ҳар йили ўртача 500 тоннадан ортиқ ўрик туршаги ички ва ташқи бозорга чиқарилмоқда. Хитойга ҳам Қошқайрон ўрикларни етиб боргани ҳақида маълумотлар бор.

Маҳалла фуқаролар йиғинида шу ерда ўсиб-улғайган Дилмурод Ҳамроев раҳбарлик қилиб келмоқда. Уларнинг ҳаёт тарзи, иш амаллари, муаммолари унга бегона эмас.

— Бугунги маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятини аввалги тузилма билан қиёслаб бўлмайди, — дейди раис. — Айниқса,



Маҳалла фуқаролар йиғинида 2200 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Кўҳна қишлоқ кундан кунга ободликка эришмоқда. Тўқин дастурхон, шинам уй-жойлар аҳоли фаровонлиги маҳсули, десак муболага бўлмайди. Маҳаллада боғдорчилик ривожланиб бораётган. Бугунги кунда 350 гектардан ортиқ ўрикзор боғ барпо этилди. Риштонда машҳур “субҳони” ва “қандак” навли ўрикларни етиштириш, қуритиш, қайта ишлашда қошқайронликлар олдига туша-

“маҳалла еттичилиги” фаолияти йўлга қўйилган, аҳоли билан манзилли ишлаш тизими янги босқичга чиқди. Ҳар бир масала ва муаммони жойига чиқиб ўрганиш, амалий ечимларни ҳамжиҳатликда топишга эътибор қаратилмоқда. Яқинда маҳаллага шу ерда яшаётганимиз ҳақидаги маълумотнома олиш учун келганмиз, холос. Чунки унинг ваколатида бундан бошқа имконият йўқ эди. Энди маҳалла тавсияси, қўллаб-қувватлаши билан одамларга пул, асбоб-ускуна, хомашё бериляпти. Бундай имконият ҳеч қачон бўлмаган. Йил бошидан буён оилавий тадбиркорлик қилмоқчи бўлган 35 нафар ишсиз ташаббускорга 453 миллион сўм имтиёзли кредит олиб берилди. Маҳалламизда хорижда юрган 121 мигрант рўйхатга олинган эди. Бугунга қадар уларнинг аксарияти оилалари бағрига қайтди. Уларга “Сайхунобод” таърибаси асосида “Бизнесга бир қадам” дастури йўналишида томорқачилик, чорвачилик, хунармандлик ва бошқа соҳалар учун 825 миллион сўм имтиёзли кредит берилди.

Равшан Тўхтаров миграциядан қайтган ёшлардан. Унга етти йиллик имтиёзли кредит асосида 4 сотих иссиқхона қуриб беришга кўмаклашилди. Эрта кўклардаги бу лойиҳа оддий оила ҳаёт тарзига кут-барак, фаровонлик олиб келди.

— Хорижда иссиқхонада сабзавот етиштириш билан машғул бўлганмиз, — дейди Равшан. — Ҳар қанча меҳнат қилсак-да, самарасини бошқалар кўради. Оилам, маҳалла фаоллари кўнгирок қилиб, томорқада иссиқхона қуриш учун

имтиёз ва имкониятлар берилаётганини айтганимиз, иккиланмай ортга қайтдим. Иссиқхонада эртаки бодринг ва помидор етиштиридик, гулчилик тармоғини ташкил қилганмиз. Айни кунда учинчи ҳосилни бозорга чиқарипмиз. Экиндан бўшаган майдонларга пешма-пеш сабзавот эканмиз. Энг муҳими, яқинларим бағрида хориждан-да ортиқ маблағ топиш имкониятига эга бўлдим.

Маҳаллада ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногирон аъзоси бўлган 6 та оила истиқомат қилади. “Маҳалла еттичилиги” ҳар бир оила ҳаёт тарзи, иш амаллари билан яқиндан

Жорий йилнинг эрта кўкларидидаги ёғингарчилик ногирон, ижтимоий ҳимояга муҳтож Бахтиёржон Аҳмедов хонадонига жиддий зиён етказди. Таъмирталаб, тўқилмай деб турган уй ёмғир сабаб қулаб тушди. Бахтиёрнинг оила аъзолари ёлғизлини қолмади. Маҳалладошлари кўмаги, қўллаб-қувватлаши билан янги уй қуриб берилди.

— Хурсандчилигимизни сўз билан ифода-далаб бера олмаيمان, — дейди янги уйга кўчиб ўтган хонадон соҳиби. — Оғир кунда суянчиқ бўлиб, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келаётган маҳалладошларимга катта раҳмат.



танишиб, оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ишларида бош-қош бўляпти.

Фаёзжон Мелиқўзиев вояга етмаган 3 фарзандини ёлғиз ўзи тарбиялаб келади. Қўлоғи эшитмайди, кўзи яхши кўрмайди. Лекин қўли ширин пазанда. Оила ҳаёти билан яқиндан танишган маҳалла фаоллари унга уй шароитида умумий овқатланиш шохобчаси ташкил этиш учун 15 миллион сўм имтиёзли кредит олишга кўмаклашди. Саховатпеша ҳомийлар кўмағида уй-жойни таъмирланиб, фаолият юритиши учун керакли шарт-шароит яратиб берилди.

— Биринчи куннинг ўзида 21 миллион сўмлик хизмат кўрсатдик, — дейди ошпаз. — Берилган кредитни ўз вақтида қайтариб, фаолиятимизни кенгайтириб бора-миз. Оила аъзоларини ташқари яна икки қўшини ҳам ишга жалб қилдик, етказиб бериш хизматларини йўлга қўйдик.

Фаёзжон тайёрлаётган ширин таомларни хўрандалар суйиб истеъмол қилмоқда. Энди у ижтимоий ночор оилалар қаторида эмас. Кимдандир кўмак олишга муҳтожлиги йўқ, аксинча, маҳалланинг фаол аъзоси сифатида фойдаланиб меҳнат билан банд бўлган кишилар сафига юрт тараққийига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси билан ҳудуд бўйлаб юриб, қурилиш бўлаётган хонадон олдига тўхтадик.

— Мана шу уй ҳам “маҳалла еттичилиги” ташаббуси билан қуриляпти, — дея бизни ичкарига бошлади раис. Пойдеворли мўъжаз уйнинг томи ёпиляпти. Яна санокчи кунлардан сўнг уй ўз эгасига топишилади.

— Бир хўжалиқда уч нафар ногирон оиласи билан яшайди, — дея давом этди йиғин раиси. — Камтар, камсукум кишилар. Яшаш шароитлари билан танишган, қўллашиб бу оила учун 6 сотих ер сотиб олдик. “Кўпдан кўён қочиб қутулмас” деганларидек, уй-жой қурилиши ҳам охирида борапти. Бунда ҳар бир маҳалладошимиз, саховатпеша тадбиркорларнинг ҳиссаси катта, албатта. Буни сизга бежиз кўрсатганим йўқ. “Маҳалла еттичилиги” фаолияти, берилган имтиёз ва имкониятлар мана шундай меҳрга, кўмакка муҳтож оилалар ҳаёт тарзини ўзгартириш, бугундан рози бўлиб яшашга имконият бермоқда.

Маҳаллада “Яшил макон” умумий миллий дастурининг баҳорги мавсумида 6 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт экилиб, яшил белбоғлар яратилди. Ҳаётбахш ислохотларнинг кузги мавсумига ҳам пухта ҳозирлик қуриляпти.

Аҳолининг электр энергияси билан таъминлаш оғирлики масалалардан бири бўлган. Янги хонадонлар ва тадбиркорлик тармоқлари кўпайиб бориши электр энергиясига талабни оширди. Юклама билан ишлаган тармоқда кўплаб носозликлар юзага келарди. Ички электр тармоқларини янгилаш, қўшимча трансформатор ва кўча чиқоқлари ўрнатилиши юзасидан билдирган таклифлари “Очiq бюджет” лойиҳасида ғолиб бўлиб, 1 миллиард 200 миллион сўмлик қурилиш бунёдкорлик ишлари бажарилди.

Қошқайронда ёшлар ўртасида жиноятчилик йўқ. Ҳудуд тўлиқ рақамлаштирилди. Ҳар бир кўча, аҳоли ва ёшлар гавжум бўлган ҳудудларида назорат камералари ўрнатилди. Безорилик, жиноятчиликка мойил бўлган ёшлар маҳалла фаоллари ва нурунийлар оталиғига олинган.

Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, ажралишар олдини олиш, туғуруқ ёшидаги ёшлар тиббий саломатлигини мустаҳкамлаш, мактаб ва мактабгача тарбия ташкилотларида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасидаги амалий иш кўлами кенгайди.

Мақсудахон Муҳаммедованинг турмуш ўртоғи вафот этиб, 4 қизи билан ёлғиз қолди. Билимга чанқок, интилувчан икки қизи контракт асосида ўқинишга қабул қилинди. Мушфиқ она нима қиларини, қайга боришини билмай сарсон бўлиб турган бир паллада “маҳалла еттичилиги” кўмакка келди. Бир нафарига таълим кредити асосида тўлов ажратилган кўмаклашилди, бошқасига саховатпеша ҳомийлар кўмағи қўл келди. Уй бекасига субсидия асосида пишириқ пещи, хомашё учун имтиёзли маблағ берилди. Мақсудахон фарзанд тарбияси, уй юмушларидан ортиб, пишириқлар тайёрлаб, даромад томоқда, болаларини ўқитаяпти.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини аниқлаш, уларга давлатимиз томонидан қафолатланган ёрдамлар манзилли ва тизимли асосда етиб боришини таъминлаш мақсадида маҳаллаларда ижтимоий ҳодим лавозимлари жорий этилганга кўп бўлгани йўқ. Янги тузилма оғир аҳволга тушиб қолган ва тушиб қолиш хавфи юқори бўлган шахслар ва оилаларни аниқлаш, эҳтиёжларига қараб амалий ёрдам кўрсатишда муҳим вазифа айланди.

— Шу кунга қадар икки фуқарога “Саховат кўмак” жағмармаси ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилди, бир нафарига бепул эшитиш мосламаси берилди, васийликка олинган уч ёшнинг яшаш шароити ўрганилиб, далоятномалар тузилди, икки нафарига боқувчисини йўқотганлик нафақаси тайинланди, — дейди ижтимоий хизмат кўрсатувчи ҳодим Алишер Ниёзматов. — Болаликдан ногирон Ҳаётхон Эргашалиевни алоҳида таълимга жалб қилиш учун амалий ёрдам кўрсатилди. Ижтимоий ҳимоя ягона реестри рўйхатида турмуш кам таъминланган 47 оилага болалар нафақаси ва моддий ёрдам пули тайинлаш юзасидан далолатнома тузилди.

Бир сўз билан айтганда, маҳалла чин маънода халқнинг суянчиғи, маслакдоши сифатида кундалик ҳаётдаги ўрнини мустаҳкамлаб бормоқда. Буни обод ва фаровон маҳаллаларда файзиёб яшаётган яхшилар ҳаёт тарзи кўрсатиб турибди.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Ҳудудлар ҳаёти ХОСИЛ ЯНГИ ЙИЛ АРАФАСИДА УЗИЛАДИ

Октябрь — Китоб туманининг тоғли ҳудудига жойлашган қишлоқлардан бири. Бу қишлоқ одамлари азалдан меҳнаткашлиги билан доим бошқаларга ўрناق бўлиб келган. Боиси, ушбу манзилда бўлган киши бекор юрганни қайси фаслда бўлмасин учратмайди. Ҳар доим қўллари меҳнатда. Кимдир боғида, яна бирови иссиқхонасида банд. Айниқса, қишлоқ одамлари узум етиштиришнинг ҳадисини олган. Шу сабаб яқин атрофда кимдир мазали узумдан татиб кўрмоқчи бўлса, ҳеч иккиланмай Октябрда қишлоққа келаверади. Ажабланишли томони, қишлоқда қиш фаслининг қоқ ўртасида ҳам тоқдан узум узиб, истеъмол қилишингиз мумкин.

Қишлоқнинг номи ҳам бежиз Октябрда деб аталмаган. Маҳаллий аҳолининг айтишича, тонданок кўёш нурлари қишлоққа тушиб, то кечга қадар соя тушмас экан. Бу эса шу жойда ўзгача мазза берадиган узумларнинг етилишига сабаб бўлар экан.

Тиловмурод ака ҳам шу қишлоқда туғилган бўлиб, бундан эътиборан олтмишга яқинлашаётган ака ҳам боғбонларнинг устозига айланган. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор, албатта. Унинг боғдорчилик борасидаги таърибасини кўпчилик ўрганишга ҳаракат қилади. Жумладан, ҳосилдорликни ошириш, узок вақт сақлаш борасида унга тенг келадигани кам. Мисол учун, шу ҳудудда ақсар боғбонлар томорқасида топилмаган узумни қишнинг чилласида ҳам Тиловмурод аканинг тоқзоридан топиш мумкин. Айни пайтда куннинг совуқ кунлари бошланган бўлишига қарамай, унинг тоқларида ҳамон ҳусайни узум сақланиб турибди. Харидорлар бюртма берадиган бўлса, шундоқина тоқдан узумни узиб олади-да, тарозига қўйиб тортиб, пулини санаб олганча бериб юбораверади. Мазаси тилини ёрадиган узумни еган киши яна излаб келаверади.

Тиловмурод аканинг боғида бугун юз тупдан ортиқ ҳусайни ва элик тупга яқин “Қора гўзал” узум навлари экилган. Унинг айтишича, ҳар бир тоқ ўртача юз килограммдан ортиқ ҳосил беради. Бугунги кунда бу узумнинг улгуржи нархи 12-13 миңдан бўладиган бўлса, битта тоқнинг ўзидан камида бир миллион икки юз, бир миллион уч юз сўм маблағ фойда кўриш мумкин. Демак, Тиловмурод аканинг мўъжаз боғида бир мавсумда умумий ҳисобда юз элик миллион сўмдан ортиқ ишлаб топиш имконияти яратилган. Яна бир жиҳати, узумлар декабрь ойи сўнгига, яъни янги йил байрамига қадар тоқда сақланиб туради. Бунинг учун тоқлар усти плёнка билан ёпиб қўйилади.

— Тоқда узилмасдан турган ҳосилнинг таъми бошқача бўлади, — дейди Тиловмурод ака. — Бундан ташқари, ўз ҳолича сақланади. Бу эса ўта харидорчи бўлиш билан бирга, юқори нархда сотишга имкон ҳам. Албатта, совуқ кунларда сақлашнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун боғбондан маҳорат талаб этилади.

Ҳозир қўриб турганингиздек, атрофи ва усти билан ёпилган. Имон даражасида очик жой қолдирмасликка ҳаракат қиламиз. Бир бошидан ҳосилни олиб, савдога чиқариб бораемиз. Узумлари йиғиштириб олинган тоқларни эса шу вақтнинг ўзида вайишдан ерга олиб, кўмишни бошлаймиз.

Қишлоқ одамларининг айтишича, бу ҳудудда камбағалман деган кишининг ўзи йўқ. Мабодо кимдир бирор етишмовчиликдан нолиб қоладиган бўлса, унга боғдорчилик қилишга имконият яратиб бериб, меҳнат қилиш учун ёрдам қўлини чўзишаркан. Бу ташаббус эса одамларни доим ҳаракатга ундаб келиши аниқ. Бир сўз билан айтганда, манзилда камбағаллик орта чекиниб, фаровонлик сари дадил қадам ташланмоқда.

Кейинги йилларда Китоб туманида камбағалликни қисқартириш борасидаги ишларда ижобий ўзгаришларни кузатиш мумкин. Туманда, асосан, боғдорчилик ва мева-сабзавотчиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилиши самарасида аҳолининг ўзини ўзи бандлигини таъминлаши ҳам яхши йўлга қўйилган.

— Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, туманимизда камбағал оилалар сони 11 миңдан ортиқ эди, — дейди Китоб тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Турғун Насимов. — Саъй-ҳаракатларимиз натижасида ишсизлар сонини камайтиришга эришдик. Хусусан, йил бошида камбағаллик



даражаси туманда 15,2 фоиз бўлган бўлса, йил якунида бу кўрсаткични 9,1 фоизга тушириш мақсад қилинган. Бунинг учун бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Мисол учун, аҳолини доимий, вақтинчалик ва мавсумий ишлар билан банд қилиш бўйича жорий йилги режамиз 32 миң 639 киши қилиб белгиланган. Амалда эса сентябрь ойи ҳолатига кўра, 33 миңдан ортиқ киши ишга жойлаштирилди. Асосан, хизмат кўрсатиш, қурилиш, қишлоқ хўжалиги соҳаларида бандлиги таъминланди.

Бундан ташқари, туман камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими томонидан ҳам уч миңга яқин киши доимий ишга жойлаштирилди. Шунингдек, ўн икки миңдан ортиқ одам бизнесга жалб этилди.

Ақбар РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



УМУМИЙ ФАРОВОНЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА ДОИМО ТАЙЁРЛИК

БУ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАШАРИЯТ ТАҚДИРИГА ДАХЛДОР ТАШАББУСЛАРИДА ЎЗ АКСИНИ ТОПМОҚДА



Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

“Бу борада иқлим туфайли йўқотиш ва зарарларни баҳолаш бўйича халқаро марказ таъсис этишни таклиф қиламиз”, деди давлатимиз раҳбари.

Иккинчидан — трансчегаравий сув ресурслари ифлосланишининг олдини олиш ва барқарор биохилма-хиллигини сақлашда ягона ёндашувлар зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари “Минтақамиз мисолида айтиб ўтмоқчиманки, бир авлод кўз ўнгиде Орол денгизининг бутунлай йўқолиши саёберамиз миқёсидаги фожиага айланди. Шу ўринда биз БМТ шафелигида Дарё экотизимларининг бутунлиги ва экологик хавфсизлигини таъминлаш бўйича мажбурийлар туғрисидаги декларацияни ишлаб чиқиш тарафдоримиз”, деди.

Учинчидан — кўп томонлама етакчи тузилмалар иштирокида ўсимликларнинг иқлим ўзгаришларига чидамлилигини ошириш учун Генетик ресурсларнинг минтақавий банкни ишга тушириш режа қилинганлиги билдирилди.

Бу ҳақда гапирар экан, “Денгизга чиқши имкони бўлмаган давлатлар учун юртимизда БМТнинг инновацион агросаноат хабини яратиш ташаббусини илгари сурамиз”, деди давлатимиз раҳбари.

Тўртинчидан — иқлим ўзгаришларидан зарар кўраётган мегаполис ва шаҳарларнинг барқарор ривожланиши бўйича илгор билим ва амалиётлар трансфери учун Жаҳон иқлим пойлактари альянсини ташкил этиши ва унинг биринчи форумини Тошкентда ўтказиш таклиф қилинди.

Бешинчидан — “Келгуси йили 15 май — Халқаро иқлим кунинда Оролбўйи минтақасида ўтказиладиган Рақамли “Яшил” ташаббуслар глобал ёшлар фестивалида давлатларнинг вакиллари кутиб қоламиз”, дея гоёт муҳим ташаббусни илгари сурди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари Ар-Риёд ва Бокудаги нуфузли тадбирларда хоржий давлатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари

ҳамда бошқа нуфузли расмий шахслар билан жами 20 га яқин учрашув ўтказди. Бу учрашувларда дунё халқлари, жумладан, мамлакатимиз учун манfaatли масалалар муҳокама қилинди, муҳим келишувларга эришилди.

Президентимиз Боку шаҳрида БМТнинг Иқлим ўзгариши туғрисидаги ҳақли конвенцияси томонлари конференциясининг 29-сессиясидаги нутқида муҳим ташаббусларни илгари сургани ҳақида тўхталадиган бўлсак, энг аввало, таъкидлаш жоизки, бугунги экология ва иқлим ўзгаришлари ҳаёт-мамонт масаласига айланмоқда.

Шу боис, дунёнинг кўплаб давлатлари, халқаро ташкилотлар, фуқаролик жамияти вакиллари жамлаган глобал саммит доирасида иқлим ўзгаришларига қарши курашиш ва оқибатларини юмшатиш бўйича халқаро сый-ҳаракатларни бирлаштириш, бунинг учун иқлим стратегияларини молиялаштириш ва “яшил” энергияга ўтишни мақсад қилган.

Ўзбекистоннинг маъзур саммитдаги иштироки иқлим ўзгаришига қарши курашдаги қатъий содиқлигини яна бир бор ифодалади. Ушбу мулоқот майдонинда Ўзбекистон янги ташаббусларни илгари сурини, илгор халқаро тажрибани ўрганиши ва мамлакатимизнинг амалий сый-ҳаракатлари ҳақида сўз юритиши барқарор келажакни таъминлаш учун жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликни кенгайтириш имконини беради.

“Иқлим ўзгаришлари бугунги кунда асосий глобал тахдидга айланиб бормоқда, геосиёсий зиддиятлар кучайишига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, камбағалликка қарши кураш, озик-овқат ва энергетика хавфсизлиги, сув ва ресурслардан фойдаланиш муаммоларини кучайтирмоқда. Буларнинг асоратларини Марказий Осиёда ўткир ҳис қилмоқдамиз. Иқлим муаммолари аҳолиимизнинг турмуш сифатини ошириш ва миллий тараққиёт стратегияларини рўёбга чиқаришда янги тўсиққа айланмоқда”, деди Президентимиз.

Утган йиллар давомида юртимизда миллий даражада кўплаб экологик лойиҳалар ва дастурлар ишга туширилди ҳамда улар бугун самарали натижалар бермоқда.

Мамлакатимиз 1993 йилда БМТнинг ҳақли конвенциясига қўшилди ва 2017 йилда Париж битимини имзолаб, иссиқхона газлари чиқиндиларини камайтириш бўйича мажбурийлар олди. Шунингдек, мамлакатдаги экологик муаммоларни ҳал этиш ва БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича қатор концептуал ҳужжатлар тасдиқланди.

Марказий Осиё минтақасида сўнгги йилларда сув танқислиги, биологик хилма-хилликнинг камайиши каби экологик муаммолар кучайишига бўлиниб келмоқда. Бунинг оқибатларини зудлик билан бартараф этишга киришмаслик тикланма бўлмас экологик фожияларга сабаб бўлиши мумкин.

Мамлакатимиз халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида экология соҳасида ўнлаб халқаро конвенцияларни ратификация қилган. Шу билан бирга, қатор муҳим мажбурийларни амалга ошириш юзасидан миллий



Баҳор ХИДИРОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

дастур ва чора-тадбирлар режасини амалга оширмоқда. Ушбу мажбурийлар фуқароларнинг экологик ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда экологик муҳитга етказилаётган салбий оқибатларни камайтириш асосида иқлим ўзгаришлари таъсирини юмшатишга қаратилган тадбирларни тақозо этади.



Янгидан янги экологик тахдидлар ҳатто дунё геосиёсий архитектурасига таъсир кўрсатмоқда. Атроф-муҳит ифлосланиши, иқлим ўзгариши ва табиий ресурслардан самарасиз фойдаланиш билан боғлиқ глобал муаммолар

“ЯШИЛ МАКОН” УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ ЭКОЛОГИК ХАВФЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТАДИ

Шодиёр АЗИЗОВ, “Жонли табиат” ННТнинг Тошкент шаҳри бўлими раҳбари:

— Президентимизнинг COP29 саммитидаги нутқидан хулоса қилган ҳолда, юртимизда амалга оширилаётган муҳим бир йўналишга алоҳида тўхталмоқчиман. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан кўр олган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси иқлим ўзгаришларининг олдини олишда, экологик хавфларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Дастур доирасида кўламазор ҳудудлар кескин кўпайтирилаётгани эътиборга молик.

Дастурларда атроф-муҳит объектларини инсон таъсири ҳамда бошқа салбий таъсир қилувчи омиллардан сақлаш ва сифатини таъминлаш ҳамда саноат ишлаб чиқариши, урбанизация кўлами кескин кенгайиши ва аҳоли пунктларига тушаётган экологик юкни камайтириш механизmlарини такомиллаштириш режалари ишлаб чиқилган ва изчилик билан амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, 2030 йилгача ҳавога иссиқхона газлари чиқарилишини 35 фоизга камайтириш, бу мажбуриятни 2050 йилга қадар янада кенгайтириш, шунингдек, “Яшил” энергетика улушини 40 фоизгача ошириш, электромобил ва “яшил” водород кластерлари, қуёш ва шамол генерация хабларини бу муаммонинг оқилона ечими деб биламиз.

Бу борада қўшни давлатлар билан ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади. Айни мақсадда саммитда Президентимиз Минтақавий иқлим стратегияси ҳаётга таъбиқ этилаётганини қайд этди. Бу каби чора-тадбирлар нафақат минтақа, балки минтақа орқали бутун дунё экологик мувозанатини яхшилашга хизмат қилиши билан гоёт долзарбдир.

эса барқарор ривожланишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Жаҳон банки маълумотларига кўра, 2050 йилга келиб, 216 миллиондан ортиқ одам иқлим ўзгариши сабаб ўз мамлакатини тарк этиши мумкин. Хусусан, Шарқий Европа ва Марказий Осиёда 5 миллион иқлим мигранти пайдо бўлиши тахмин қилинмоқда.

Одамлар иқтисодий, ижтимоий, сиёсий омилларга кўра ўз маконларини ташлаб

Марказий Осиёда ҳаво ҳарорати ошиши жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан икки баравар кўп. Сўнгги йилларда фавуқлода иссиқ кунлар сони 2 қарра ортди, музликлар майдонининг учдан бири қисми эриб битди. Тупроқ емирилиши, мунтазам чанг ва кум бўронлари, ичимлик сув тақчиллиги, ҳаво ифлосланиши, биохилма-хиллик қисқариши, ҳосилдорлик кескин пасайиши ва кўплаб бошқа муаммолар минтақада яшаётган миллионлаб одамларнинг турмуш сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Президентимиз халқаро минбарлардан туриб жаҳон ҳамжамияти эътиборини ушбу экологик муаммоларга кўп бора жалб этиб келмоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбари ўтган йил Дубай шаҳрида БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича конференцияси (COP28)да сўзлаган нутқида ҳам минтақамиздаги долзарб экологик муаммолар ҳақида тўхталиб, барқарор ривожланишга эришиш борасида қатор ташаббусларни илгари сурди. Унинг доирасида шу йил июнь ойида Самарқандда бўлиб ўтган халқаро форум иқлим ва инсон ҳуқуқлари муаммоларини муҳокама қилишда муҳим мулоқот майдонига айланди.

Айни пайтда мамлакатимизда экологик мувозанатни таъминлашга йўналтирилган халқаро конвенциялар ҳамда бошқа ҳужжатлар орқали зиммага олинган мажбурийларни бажариш йўлида тизимли ишлар қилинмоқда. Янги тахрирдаги Конституциямизда инсоннинг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқи алоҳида бодда мустақамланди. Давлатимиз атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича вазифаларни амалга оширишга оид мажбурийларни белгилаб қўйилди.

Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашининг ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш мақсадида Президентимиз хузурида Иқлим кенгаши тузилди. Шунингдек, Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ва тиклаш, минтақани ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, мамлакатимизда “яшил” иқтисодиётга ва улгердор нейтраллигига ўтиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, 2030 йилга бориб, мамлакатимиз энергетика балансида қайта тикланувчи энергия қувватини 40 фоизга етказиш режалаштирилган. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида Ўзбекистонда 1 миллиард туп кўчат экилмоқда. Орол денгизининг қуриган тубида 2 миллион гектар майдонда ўрмон барпо этилди.

Сўнгги йилларда саноат ва ишлаб чиқариш тармоғи жадаллик билан ривожланиб бораётгани, бир томондан, иқтисодий фаровонлигимизга хизмат қилаётган бўлса, иккинчи томондан, экологик мувозанатни сақлаш борасидаги ишларга эътиборни янада кучайтириш тақозо этаётди. Шундан келиб чиқиб, экологик ҳодисалар таъсирини камайтириш ва ҳаво мусаффолигини сақлаш бўйича дастурлар амалга

оширилаётди. Бу жараёнда сўнгги пайтларда тез-тез рўй бераётган чанг бўронларига қарши курашишга эътибор кучайтирилляпти.

Шу йўналишда 2024-2030 йилларга мўлжалланган миллий дастур доирасида “Евро-4” стандартидан паст тоифадаги ёқилгини сотиш ва ундан фойдаланишни босқичма-босқич тўлиқ тақиқлаш назарда тутилляпти. Бунинг учун Бухоро ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводлари юқори сифатли ёқилги ишлаб чиқариши бўйича модернизация қилинади. Тошкент шаҳрида ҳаво сифатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар дастурига кўра, келгуси 5 йилда пойтахтимиз ва унга туташ Тошкент вилояти туманларида 441 гектар “яшил белбоғ” ва боғлар ташкил қилиш кўзда тутилган.

Жорий йил 7 ноябрда Президентимиз раислигида қишлоқ хўжалигида сув ва энергия манбаларидан оқилона фойдаланиш ҳамда йўқотишларини камайтириш чора-тадбирлари юзасидан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ҳам инсоният келажак тақдирини тақозо қилишга муаммо ва уларнинг салбий таъсирини юмшатиш масалалари яна бир қарра тахдид этилиб, устувор вазифалар белгилаб берилди.

Тадбирда қайд этилганидек, минтақамиз ривожига хавф солаётган экологик муаммолардан бири — сув танқислигига қарши курашиш мақсадида изчил ишлар олиб бориляпти. Жумладан, сув тежовчи технологияларни жорий қилиш, ирригация тармоқларини модернизациялашга алоҳида эътибор қаратилляпти. Сув боғорувни слоҳ қилиниб, туманларда сувни ҳисобга олиш тизими шаклланди. Шаффоф тизим йўлга қўйилгани натижасида бу йил ерга икки қарра кўб сув борди, яна 6 миллиард куб метр сув ҳисоби жойига қўйилди.

Лекин ҳали долзарб муаммолар талайгина. Масалан, кластер ва фермерларга етказиб берилаётган ҳар бир куб метр сувга республика бўйича ўртача 212 сўм харажат қилинляпти. Баъзи ҳудудларда эса бу 2-3 баробар қиммат. Йиғилишда шу каби муаммолардан келиб чиқиб, галдаги вазифалар белгиланди. Хусусан, обихаётни тежаш, сув беҳуда исроф бўлишининг олдини олиш, соҳага янги технологияларни жалб этишга эътиборни кучайтириш мақсадида 2025 йил сув хўжалигида “насослар самарадорлигини ошириш йили” бўлиши белгиланди.

Албатта, келажакни кўзлаган бундай хайрли ишларнинг аҳамияти беқисс. Бунинг натижасида, энг аввало, табиатга муносабат ўзгаради, она заминнинг ҳар бир неъматидан оқилона фойдаланиш кун тартибига кўтарилляпти. Энг муҳими, бу каби экологик лойиҳалар ижро этилиши самарасида ҳар бир инсоннинг мусаффо атроф-муҳитда яшашга бўлган ҳуқуқи рўёбга чиқариляпти. Шундай экан, сув, ҳаво, тупроқ муҳофазаси йўлида қилинаётган ҳар бир хайрли иш нафақат бир ҳудуд ёки минтақа, балки бутун инсониятнинг келажак тақдирини хал этиши ва ҳаёт давомийлигини таъминлашдек эзу мақсадларга хизмат қилади.

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШЛАРИ ГЕОСИЁСИЙ КЕСКИНЛИК КУЧАЙИШИГА БЕВОСИТА ТАЪСИР КЎРСАТМОҚДА

Ҳожимурод ТОЛИПОВ, Ўрмон хўжалиги агентлиги Ўрмонлар барпо қилиш ва қайта тиклаш бошқармаси бош мутахассиси:

— Бугун иқлим ўзгариши глобал миқёсда кескин ту олди. Давлатимиз раҳбари Боку саммитидаги нутқида энг оғриқли масалалардан бири бўлган Орол муаммосига ҳам тўхталиб, инновацион кўкаламзорлаштириш ва ерларни барқарор бошқариш, Оролбўйидаги ижтимоий

экологик вазиятни яхшилаш дастурларини амалга ошириш орқали шерикликни янада кенгайтиришга келишиб олинганини қайд этди.

Париж битими доирасида минтақада ҳаво ҳароратининг жадал ўсишига йўл қўймаслик ва жорий юз йилликда 1,5-2 градус атрофиде сақлаб қолиш, бу борада Ўзбекистонда углерод нейтраллигига эришиш бўйича кенг миқёсдаги ислохотлар қатъий олиб борилаётганини қайд этилди.

Президентимиз таъкидлаганидек, иқлим ўзгаришлари бугунги кунда асосий глобал тахдидга айланиб, геосиёсий

кескинликнинг кучайишига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Бу эса, ўз навбатида, камбағалликка қарши кураш, озик-овқат ва энергетик хавфсизликни таъминлаш, ичимлик сув ва табиий ресурслардан фойдаланиш муаммоларига кучли таъсир кўрсатмоқда.

Ўрмончи сифатида шунни айтишим керакки, сўнгги йилларда Оролнинг қуриган тубида 2 миллионга яқин яшил қопламалар барпо этилди. Бу денгизнинг очилиб қолган ҳудудидан зарарли қум чанглари атмосферага кўтарилишининг олдини олишда жуда катта роль ўйнайди.

СУВ САРФИ

РАҚАМЛАШМАС ЭКАН,

МУАММО КЎПАЙИБ БОРАВЕРАДИ



Одинахон ОТАХОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Бошланиши 1-бетда

Шунингдек, қишлоқ хўжалигининг ажралмас қисми бўлган сув хўжалигини модернизация қилиш ва ривожлантириш, сув ресурсларини бошқаришда илмий ёндашиш, соҳага сув тежовчи технологияларни кенг жорий этиш орқали ернинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Яратилган қулай шароит, тақдим этилаётган имтиёзлар туфайли кейинги йилларда Ўзбекистонда худудлар ва иқтисодиёт тармоқларини сув ресурслари билан барқарор ва оқилона таъминлаш, ернинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, ирригация ва мелiorация тизимининг ишончли ишлашини йўлга қўйиш борасида салмоқли натижаларга эришилди.

Биргина 2023 йилда 2 миллиард куб метр сув тежалган. 190 та ирригация ва мелiorация объектида қурилиш ҳамда реконструкция ишлари бажарилган. Мелiorация йўналишида 230,3 километр очик, 156 километр ёпик коллектор-дренаж тармоқлари, 6 та вертикал дренаж қудуғи, 59 та гидротехник иншоот, 58 та қузуғу қудуғи қурилди ва реконструкция қилинди.

Ирригация тизимини рақамли технологиялар асосида автоматлаштирилган бошқарувга ўтказиш мақсадида ўтган йили 7339 та «ақли сув», 2578 та «дайвер» ва 271 та насос қурилмаси ўрнатилиб, 21 та йирик сув хўжалиги объектининг бошқарув жараёни автоматлаштирилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 5 январдаги «Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини тақомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори соҳадаги ислохотларнинг мантқий давоми бўлди.

Мазкур қарор билан туман ирригация бўлиmlари ҳамда махсус хизматлари негизинда сув етказиб бериш хизмати давлат муассасалари ташкил этилди. Ушбу муассасалар мамлакатда сувдан самарали фойдаланиш, сув хизматлари кўрсатиш бўйича барча зарур техник восита билан таъминланади. Бу эса суғориш тармоқларида хизмат кўрсатиш ишларини икки баробар арзонлаштиради.

Президентимиз жорий йил 22 октябрда имзолаган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун, шубҳасиз, сув ресурсларини самарали бошқариш тизими жорий этилишига хизмат қилади. Чунки бу қонунга биноан Ўзбекистон Республикасининг қатор қонунларида Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги ирригация бўлиmlари ҳамда махсус хизматлар негизинда ташкил этилган сув етказиб бериш хизмати давлат муассасаларининг вазифалари ва



ваколатларини, шунингдек, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжи учун сув олиш лимити халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашлари томонидан тасдиқланишини назарда тутувчи ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Шу билан бирга, тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ давлат эҳтиёжи учун махсус етказиб берилишини таъминлаш бўйича фермер хўжалиқларининг мажбурияти ва қишлоқ хўжалиги махсусотлари етиштирувчиларга сув етказиб бериш хизмати учун тўловлар бекор қилинмоқда.

Қонунчилик палатаси томонидан айни пайтда иккинчи ўқишга тайёрланган «Ўзбекистон Республикасининг Сув кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси билан сув хўжалигида давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий қилиш шартлари белгиланиб, сувдан фойдаланиш учун рухсатнома бериш шартлари соддаштирилди.

Бундан ташқари, «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида ҳам сув ишлаши самарадорлигини 25 фоиз ошириш, тупроқ қопламали каналларни бетон қопламга ҳамда ички суғориш тармоқларининг ёпик қувурли суғориш тизимларига ўтказиш бўйича етти йиллик дастур доирасида ирригация тизими ва

Муносабат

суғориш тармоқларининг фойдали иш коэффициентини кўрсаткичини 0,73 гача етказиш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Ушбу дастурий ҳужжатда сувни қайта ишлаш, етказиш ва тақсимлаш тизимига хусусий секторни жалб этиш, далаларга сув етказадиган объектиларни тадбиркорлар (фермер хўжалиқлари ва кластерлар) бошқарувида чикарувчи маҳаллий корхоналарнинг йиллик қувватини 300 минг гектарга етказиш ҳам мақсад қилинган.

Суғориш тармоқларида сув йўқотишни кескин камайтириш учун канал ва ариқларни бетонлаштириш яхши самара беради. Шу боис, ҳуқуқий ҳужжатда қишлоқ хўжалиги соҳасида сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш учун 18,7 минг километр ёки 66 фоиз тупроқ ўзали магистрал ва хўжалиқлараро каналларнинг бетон қопламали улушини 13,1 минг километр ёки 46 фоизга етказиш ўрин олган. Айни пайтга 550 километр канал ва ариқ бетонлангани

эвазига 200 минг гектар ерга сув етказиб бериш ҳолати яхшиланиб, йилига 450 миллион куб метр сув иқтисод қилиняпти.

Сув бошқаруви ислох қилиниши, туманларда сувни ҳисобга олиш тизими шаклланиши, фермерлар сувни ҳисоб-китоб қилишни ўргангани ва шаффоф тизим йўлга қўйилгани натижасида жорий йил ерга 2 қарра кўп сув борди. Асосийси, яна 6 миллиард куб метр сув ҳисоби жойига қўйилди. Буларнинг барчаси соҳадаги пухта ўйланган ва изчил сиёсат, сув ресурсларини ривожлантириш масалаларига доимий эътибор самарасидир.

Соҳада ҳал этилиши керак бўлган муаммолар ҳам етарли. Хусусан, кластер ва фермерларга етказиб берилаётган ҳар бир куб метр сувга мамлакат бўйича ўртача 212 сўм харажат сарфланыпти. Бухоро, Қашқадарё ва Наманган вилоятларида бу кўрсаткич 2-3 баробар юқори.

Охириги йилларда 1 миллиард доллар ҳисобига Қарши, Аму-Бухоро, Аму-Занг каби йирик насос станциялари модернизация қилинди. Лексин ўрта ва майда насослар эскилиги сабабли сув таннархи ошиб кетяпти. Бетонлаш ҳисобига йўқотиш 10-15 фоиз



Бугуннинг гапи

ЁҚИЛСА — ЗАҲАР, КЎМИЛСА — ОЗУҚА

Юртимизда атмосфера мусаффолиги қонун муҳофазасида. Бирок хиёбонлар, маданият ва истироҳат боғлари, таълим муассасалари, ташкилот, корхона ҳамда маҳаллалар атрофида хазон ёқиш ҳолати тез-тез учраб туради. Тутаётган хазон ва ўсимликнинг бошқа қолдиқлари нафақат димоғингизу кўзингизни, балки кўнглингизни ҳам ачиштириб юборади.

Мутахассислар ҳисоб-китобига кўра, 1 тонна қуриган барг ёнганда ҳавога 9 килограммгача тутун микрозарриси кўтарилади. Бу микрозарралар таркибига чанг, азот оксиди, ис гази, оғир металллар ҳамда диоксин ва диоксан кирди. Мазкур заҳарли моддалар инсон организмга тушган, иммунитетни заҳар етказиши.



Барглр, шох-шаббалар ёқиб юборилганда ҳосил бўладиган тутундан нафас олган аҳоли саломатлиги хавф остида қолиши таъин. Биринчи ўринда ўпка тизими зарарланади, кейин заҳар қон орқали бутун танга тарқайди ва буйрак, жигар, бош миёна ҳамда асаб тизимига салбий таъсир қилади, — дейди Самарқанд вилояти экология, атроф-муҳитни муҳофазаси бўлими бошлиғи Бахтиёр Худойқулов. — Бунинг олдини олиш мақсадида бошқармачи томонидан жорий йилнинг ўтган даврида атмосферани муҳофазаси қилиш талабларига риоя этмаслик, махсус техник қурilmаларни қўлламастан битум эритиш талабларини бузгани учун фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг учдан бир қисмидан бир баробаригача, мансабдор шахсларга эса бир баробаридан уч баробаригача жарима солишга сабаб бўлувчи 811 ҳолат аниқланди. Натيجада ҳолат сабабчиларига 119 миллион 721 минг сўмлик жарима солинди.

Жарима — ўз йўлига. Улар миллионлаб, миллиардлаб сўм бўлмасин, табиатга, инсон саломатлигига етказилган зарарни қоплай олармиди?! Шу ўринда масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор: хазон ёқиш оқибатида тупроқ қатламидagi фойдали микроорганизмлар — чувалчанг, майда ҳашаротлар ноубуд бўлади. Майсаларга ўт қўйилса, олов жуда тез ёйилиб,

бошқариб бўлмас кучга айланади. Хўш, бу ҳолатда қандай йўл тутган афзал?

— Дарахтлардан тўкиладиган барг чиқинди эмас, балки табиатда озиқ мода алмашинувининг муҳим иштирокчисидир. Хазон қолдиғи билан бойланган тупроқда чувалчанг тез кўпаяди, чиринди улар учун озуқа. Бу жараёнда тупроқнинг органик таркиби ҳам сифат жиҳатидан яхшиланади, — дейди агроном Бобшер Ҳамроев. — Хазон таркибида кўп миқдорда азот мавжуд бўлиб, қуриган баргдан ҳосил бўлган чиринди бошқа табиий ўғитлар билан беллаша олади. Шу боис, хазондан тайёрланган ўғитлар ҳосилдорликни оширишда ҳам катта самара беради. Кузда тўкилган барглр қолга солиб қўйилса, қиш давомида чорвага яхши озуқа бўлади. Ерга кўмилса, келгуси баҳор учун фойдали ўғит ўрнини босади. Биз анча йилдан бери кузда махсус ўра қазиб, хазонларни унга кўмамаиз ва устидан тупроқ тортамаиз. Баҳорда чуқур усти очилиб, тайёр бўлган чириндидан дарахтларга ўғит сифатида фойдаланамиз.

Аслида, табиат пухта ишлайдиган механизмга ўхшайди. Дарахтлар, умуман, барча ўсимлик баҳорда унинг ўсади, барг ёзади, ёзда ҳосилга кирди, кузда эса аста-секин сарғайиб, тўкилади ва ер бағрига сингшига интилади. Келаси баҳорда яна заминдан бош кўтариб чиқади ва ҳаётини давом эттиради. Демак, табиатнинг мана шу олтин қондасига пугтур етказмаслик керак. Шундангина инсон борлиги билан уйғун ҳаёт кечира олади, табиатдаги мувозанат ҳам издан чиқмайди.

Шухрат НОРМУРДОВ, журналист

АМУДАРЁДА ШИЖОАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР КЎП

Амударёлик Дилдора Хайитбоева тадбиркорликни онаси билан биргалликда нон ёпишдан бошлаган эди. Бугун у атрофига 33 кишини жамлаган бир неча замонавий ишлаб чиқариш субъекти эгаси. Ишчиларининг аксарияти ижтимоий ҳимояга муҳтож, «Аёллар дафтари»даги маҳалладошлари.



Иланувчан ва шижоатли тадбиркор Дилдора Хайитбоевнинг сўни қайта ишлашга ихтисослашган «Kamron Gold Media» ҳамда нон ва қандолат махсусотлари ишлаб чиқарувчи «Равшанбек-Юлдузхон» хусусий корхонаси илгорлар сафига эътироф этилади. — 200 минг доллар имтиёзли кредит ҳисобига Хитойдан олиб келинган замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган «Kamron Gold Media» корхонамида 10 турдан ортқ сўт махсусотлари ишлаб чиқаришда, — дейди Дилдора Хайитбоева. — Кунига 600 литрдан кўпроқ сўт қайта ишланиб, тайёр махсусотлар туманимиздаги давлат мактаб-гача таълим ташкилотларига шартнома асосида етказиб берилади.

Мамлакат иқтисодиётини юксалтириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилашда янги ишлаб чиқариш қувватларининг аҳамияти ниҳоятда муҳим. Амударё туманида ҳам бу борада салмоқли ишлар қилинмоқда. «Nukus dillisha» корхонасининг ун ишлаб чиқариш лойиҳаси Қорақалпоғистондаги энг муҳим саннат ташаббусларидан биридир. Бу орқали маҳаллий ун махсусотларига бўлган талабни қондириш, янги иш ўринлари яратиш мақсад қилинган. Корхона учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган 1,5 гектар ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган 40,6 гектар ер тўғридан тўғри ажратилган. Лойиҳанин умуий қиймати 11 миллиард сўм бўлиб, шундан 7,9 миллиард сўми банк кредити.

Зарур асбоб-ускуналар учун кредит ажратилган. Лойиҳани муваффақиятли амалга ошириш учун Туркиядан тажрибали мутахассислар жалб қилинган. Завод жорий йил охирида тўлиқ ишга туширилади.

Туман иқтисодий салоҳиятини янада оширадиган йирик ташаббуслардан яна бири «Amudaryotex» корхонасининг ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш лойиҳасидир. Лойиҳа маҳаллий бозорда ўсимлик ёғига бўлган талабни қондиришга ҳисса қўйиши билан бирга, туман аҳоли учун қўшимча иш ўринлари яратишга ҳам хизмат қилади.

Лойиҳанин умуий қиймати 102 миллион сўми ташкил этади. Шундан 3,5 миллион доллар хоржий инвестиция сифатида киритилган. Корхона тўла қувватда йилига 10 минг тонна ўсимлик ёғи ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлиб, 85 та доимий иш ўрни яратилади. Лойиҳа бўйича қурилиш 2020 йил март ойда бошланган эди ва жорий йилнинг декабрь ойда тўлиқ аякуланади. Бу ердаги ишлаб чиқариш жараёни нафақат ички бозор талабини қондиради, балки экспорт салоҳиятини оширади. Корхона томонидан йилига 12 миллиард сўм миқдорда солиқ тўлиниши ҳисоб-китоб қилинган. Шу сабабли лойиҳа ишга тушиши натижасида Амударё туманининг иқтисодиёти ва ижтимоий ривожланиши янада тезлашади.

Тумандаги кичик саннат зонасида фаолият юритаётган, иш бошлаганига қисқа фурсат бўлишига қарамай, ички бозорда ўз харидорларига эга тадбиркорлик субъектлари талабига. Жумладан, «Al-kafil biznes plast» корхонаси нафақат туман ички бозорини, балки қўшни туманлар ҳамда вилоят бозорларини ҳам пластмасса махсусотлари билан таъминлаб келмоқда. Бугунги кунда жамиятда 15 киши ишлайди. Корхона 2019 йилда иш бошлаган бўлиб, ҳозир фаолиятини тобора ривожлантириб бормоқда. Бу каби лойиҳалар туман иқтисодиёти ва аҳоли турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Минажатдин ҚУТЛИМАРГАТОВ, «Янги Ўзбекистон» муҳбири

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

Нуқтаи назар



Олимжон ҚАЮМОВ, Тошкент амалий фанлар университети профессори, филология фанлари доктори

ЖАМИЯТИМИЗ ЯҚИН ТАРИХИДА КОРРУПЦИЯНИНГ ТОМИР ОТИШИ БУТУН ХАЛҚИМИЗНИ, ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИ ЖИДДИЙ ТАШВИШГА СОЛГАНИ ҲАМ СИР ЭМАС. ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ БИРГИНА ҚАРОРИ БИЛАН ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ХУСУСИЙ СЕКТОРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА УЛУШНИ КЎПАЙТИРИШГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛИШИ МАМЛАКАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ҲАЛОЛЛИК ТАМОЙИЛИНИНГ ТАЪМИНЛАЙ БОШЛАДИ.



ЎЗБЕКНИНГ МАЪНАВИЙ ИНҚИЛОБИ

Юрт ва халқ истиқболи йўлида ҚАНДАЙ БИРЛАШИЛАДИ?

Бошланиши 1-бетда

Олий таълимда хусусий сектор улушининг лайд бўлиши ва фаолият кўрсатиши ҳам кўп жиҳатдан тизимни ислоҳ қилишда, ижтимоий адолатнинг тантанасида, талаба жамиятининг истиқболини белгиловчи шахс сифатида тан олинган, олимларнинг том маънода инсон сифатида қадр топиши ва улуғланишига олиб келди.

Жамиятимиз яқин тарихида коррупциянинг томир отиши бутун халқимизни, Президентимизни жиддий ташвишга солгани ҳам сир эмас. Давлатимиз раҳбарининг биргина қарори билан таълим тизимида хусусий секторни шакллантириш ва улушни кўпайтиришга жиддий эътибор қаратилиши мамлакат олий таълим тизимида ҳалоллик тамойилининг таъминлай бошлади.

Нодавлат олий таълим муассасалари кўпайиши олий таълим муассасалари ўртасида таълим, соғлом рақобатни юзга келтирди. Бу эса бундан ўн-ўн беш йиллар олдинги дунёқарашнинг эскирганини кўрсатмоқда. Илгари ота-оналар олий таълим муассасаларига фарзандларини ўқитишга қўйиш учун турли йўллари ахтариб юрарди. Уларнинг мана шу маслаклари жамиятимизда коррупция, непотизм сингари иллат-



лар томир отишига сабаб бўлди. Бу икки иллатдан манфаатдорлар турли мавқедаги шахслар бўлиб, улар Президентимизнинг адолатли сиёсатига ғараз кўзлари билан боқиб турди. Сабаби — энди бу сиёсат оддий ўзбек халқи фарзандларининг олий маълумот олиши муаммосини тўла ҳал қилмайдиган механизм пайдо бўлишига асос солганди. Бу механизм нодавлат олий таълим муассасаларида олимушларнинг илмий-ижодий фаолияти учун барча шароитлар юқори савида ташкил этилди. Нодавлат олий таълим муассасалари моддий-техник таъминоти ҳам давлат олий таълим муассасаларидан анча юқори. Нодавлат олий таълим муассасаларида талабаларга яратилган шароитлар юқорилиги, билимни баҳолашнинг адолатли мезонлар асосида баҳолаш механизми ишга туширилган. Профессор-ўқитувчиларнинг

кадрлар тайёрлаш жараёнидаги улушини оширишдан иборат тўла адолатга асосланган жараён эди.

Энди фарзандларини ўқитиш ташвишидаги ота-оналарга мисқоллаб йиққан пулларини “ўртгакиш” муттаҳамларга ёки хорижий мамлакатлар олий таълим муассасаларига бермай, ўз ватанида қонуний равишда шартнома асосида билим олишга эришиш имкониятини яратди.

Бугун нодавлат олий таълим муассасалари ташкилотчилари профессионал педагогларни, етакчи олимларни яхшигина маош эвазига ишга тақлиф қила бошлади. Олий таълим муассасаларида олимушларнинг илмий-ижодий фаолияти учун барча шароитлар юқори савида ташкил этилди. Нодавлат олий таълим муассасалари моддий-техник таъминоти ҳам давлат олий таълим муассасаларидан анча юқори. Нодавлат олий таълим муассасаларида талабаларга яратилган шароитлар юқорилиги, билимни баҳолашнинг адолатли мезонлар асосида баҳолаш механизми ишга туширилган. Профессор-ўқитувчиларнинг

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ СИФАТИНИ ТУБДАН ЯНГИЛАШ МАҚСАДИДА АБИТУРИЕНТЛАР УЧУН ЎТКАЗИЛАДИГАН ДАВЛАТ ТЕСТ СИНОВЛАРИДА ДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ҚАТОРИ НОДАВЛАТ ОТМЛАРНИ ТАНЛАШ ИМКОНИНИ ҲАМ ЯРАТИШИМИЗ ЗАРУР. ЗЕРО, ТАРБИЯ ВА ТАЪЛИМ СИФАТИ УЧУН АХАМИЯТИ ЙЎҚ.

моддий таъминоти уларнинг ортқича маблаг топишга интилишига чек қўйди. Натيجадан профессор-ўқитувчилар иш ўрни ва мавқеини сақлаб қолиш учун ўз устида ишлаши, шиддат билан ривожланиб бораётган жамият тараққиётидан ортда қолмасликка ҳаракат қилишини юзга келтирди. Табиий равишда олий таълим коррупциядан холи соҳага айланиб боришини таъминлай бошлади.

Олий таълим тизимида нодавлат сектор улуши тобора ортиб бормоқда. Бу қувонarli ҳол, албатта. Сабаби олий маълумотли кадрлар кўламини кенгайтириш мамлакатнинг иқтисодий, маънавий салоҳиятини юксалтирувчи муҳим омиллардан саналади. Миқдорнинг ортиши сифат ўзгаришлари билан уйғун бўлсагина ўзини оқлайди. Бу борада ҳам юртимизда асосий қадамлар ташланади. Олий

таълим муассасаларининг кадрлар тайёрлашга қаратилган фаолиятини жаҳон талаблари асосида ташкил этиш, давлат иштирокида олий таълим сифатини кафолатлаш талаб этилмоқда.

Бугунги глобаллашув жараёнида ўзбек жамияти дунёнинг илгор мамлакатлари жамиятлари билан интеграциялашмоқда. Олий таълим муассасаларида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, хорижий мутахассислар келиб дарс ўқиши йўлга қўйилиши, олимлар рейтингини мониторинг қилиш, биринчидан, таълим сифатини оширишни, иккинчидан, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини, учинчидан, таълим тизими коррупциядан холи бўлишини, тўртинчидан, ёшларнинг ўз истиқболига ишончи орттириш, эртадан умиди кўпайишини таъминламоқда.

Бугун халқимиз янги Ўзбекистонни барпо қилишга жиддий бел болаган. Бу борадаги эзгу амаллар талайгина. Янги ўзбек жамияти янги дунёқарашга эга, инновацион билимлар ва гоғлар билан қуролланган, жаҳон ҳам-жамиятида миллат ўрни тўғри белгиланишига сабабчи бўла оладиган билимли ёшлари тарбиялашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бугун ҳар бир ўзбек зиёлиси, ўзбек педагоги, ўзбек олими юриштилатган одил сиёсатни қўллаб-қувватлайди. Зеро, Президентимизнинг олий таълимда хусусий секторни шакллантириш учун қатъий қарори том маънода маънавий инқилоб бўлди.

Олдимизда турган эндиги вазифа нодавлат олий таълим тизимига вазириликлар ва идораларнинг кўмаклашувини йўлга қўйиш, олий таълимдан кейинги таълим босқичини ташкил этишда, малакали илмий педагог кадрлар тайёрлашда нодавлат олий таълим муассасалари ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг илмий салоҳиятидан тўғри фойдаланиш, нодавлат олий таълим муассасаларида ҳам иختисослик кенгашлар ташкил этишга тўсқинлик эмас, балки хайрихоҳлик қилишни йўлга қўйишимиз зарур.

Кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан янгилаш мақсадида абитуриентлар учун ўтказиладиган давлат тест синовларида давлат олий таълим муассасалари қатори нодавлат ОТМларни танлаш имконини ҳам яратишимиз зарур. Зеро, тарбия ва таълим сифати учун муассаса мулкчилиги шаклининг ҳеч қандай аҳамияти йўқ.

Ҳозир аҳвол қандай? Давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари ўртасида кўринмас “девор” бор. Бизнинг галдаги вазифамиз онгимизда шаклланиб қолган ана шу деворни олиб ташлаш, таълим муассасалари ўртасида тенг ҳуқуқли мавқеини таъминлаш, танлов имкониятида тарафқилларни тубдан йўқотишга эришишимиздан иборат бўлмоғи керак. Зеро, таълим тизимини тубдан ислоҳ қилар эканмиз, аввало, халқ ва ватан манфаатларидан келиб чиқиб қарор қабул қилишимиз лозим. Биз нима қилсак, халқимиз истиқболи порлоқ, ватанимиз равнақи таъминланади? Бундай савол ҳар биримизни безовта қилиши шарт. Юрт ва халқ истиқболи йўлида қалбан бирлашишимиз зарур.

ҲОЗИР АҲВОЛ ҚАНДАЙ? ДАВЛАТ ВА НОДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎРТАСИДА КЎРИНМАС “ДЕВОР” БОР. БИЗНИНГ ГАЛДАГИ ВАЗИФАМИЗ ОНГИМИЗДА ШАКЛЛАНИБ ҚОЛГАН АНА ШУ ДЕВОРНИ ОЛИБ ТАШЛАШ, ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎРТАСИДА ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ МАВҚЕИНИ ТАЪМИНЛАШ, ТАНЛОВ ИМКОНИЯТЛАРИДА ТАРАФҚИЛЛАРНИ ТУБДАН ЙЎҚОТИШГА ЭРИШИШИМИЗДАН ИБОРАТ БЎЛМОҒИ КЕРАК.

Тиббиёт



БУЙРАК КЎЧИРИШ: АВВАЛ ҲАМ БЎЛГАН, ЛЕКИН БУНАҚАСИ ИЛК БОР ЎТКАЗИЛДИ

Сурхондарё вилоятида илк марта лапароскопия усулида буйрак кўчириш билан боғлиқ юқори технологияли жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Бу каби амалиёт шу вақтга қадар анъанавий усул, яъни очик кесмалар ёрдамида бажариларди. Мазкур кам инвазивли лапароскопик амалиёт Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ходимлари ва маҳаллий шифокорлар иштирокида бўлиб ўтди.

Аваллари пойтахт ва вилоят марказлари ўртасидаги боғлам яхши шимламлиги оқибатида беморлар сарсонгарчилиги кўзга ташланарди. Бугун эса инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини тубдан ошириш, шифо масканларининг ресурс салоҳиятини яхшилаш йўлидаги изчил ислохотлар самараси ўлароқ бу боғлам туб маънода мустаҳкамланди. Бунинг натижасида юртимизнинг Сурхондарёдак олис ҳудудларида ҳам юқори технологияли жарроҳлик амалиётларини бажариш имконияти яратилмоқда.

Буйракдаги кистектомия, эхинококктомия ва донорлик нефректомиyasi билан боғлиқ 60 га яқин ҳамда очик кесмалар ёрдамида 50 дан ортқич буйрак кўчириш амалиёти ўтказилганди. Аммо бу усул ёрдамида буйрак етишмовчилигини даволаш дастлабкиси бўлди, — дейди Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази бўлим мудири, тиббиёт фанлари номзоди Ақром Аҳмедов. — Лапароскопик буйрак кўчириш амалиёти вилоятнинг ўзида, Термиз шаҳрида илк бор ангорлик Саида Қулсоатовада муваффақиятли ўтказилди. Беморга ўз онаси донорлик қилди. Ҳозир уларнинг саломатлиги яхши. Назоратимиз остида шифо топмоқда.

Олтинсойлик Камолитдин Бердиев ҳам қарийб бир йилдирки, буйрак етишмовчилигидан азият чекиб келади. Бугун мутахассислар уни текширувдан ўтказди ва хасталик юқори технологияли, кам инвазивли, лапароскопик усулда бартараф этилаётган бўлди. — Тўғриси, шу касаллик аниқланган, ҳаётдан умид узилди бораркан. Минг километр йўл босиб пойтахтга бориш, у ерда ҳамма муолажаларни яна бошидан бошлашга имконим етмасди. Соғлигим ҳам кўтармасди. Ҳамкорликда вилоятнинг ўзида буйрак кўчириш амалиётини ўтказамиз, дейишигидан ҳаётга қайтандек бўлдим. Шукрки, аҳволим ўнганяпти, — дейди Камолитдин Бердиев.

Термиз шаҳрида ўтказилган бу каби юқори технологияли жарроҳлик амалиётлари маҳаллий мутахассисларга ўз билим ва тажрибасини ошириши учун кенг имконият яратмоқда.

— Авваллари бу каби амалиётлар пойтахтда ўтказиларди. Тажриба олиш учун муайян муддат у ерга бориб кузатардик. Бугун шу ернинг ўзида, барча техник ва технологияли жиҳозлар билан таъминланган хоналарда операциялар малакали мутахассислар иштирокида ўтказилмоқда. Бу бизга катта имкониятлар эшигини очмоқда, — дейди транспонтолог-уролог Ақром Худойбердиев.

Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ходимлари ва маҳаллий шифокорлар томонидан Сурхондарё вилоятининг бир қанча туманларида туғма юрак нуқсонли болалар учун тиббий кўриқлар ҳам ташкил этиляпти. Жараёнда кўриқка келганлар эхокардиография текширувидан ўтказилмоқда. Мутахассислар беморларнинг ҳола-

Худуддаги тиббиёт бирлашмасида 116 шифокор, 853 нафар ўрта тиббиёт ходими фаолият юрифтади. Туманда яшовчи ҳар 10 минг аҳолига нисбатан малакали тиббиёт мутахассислари билан таъминланганлик даражаси 47 фоизни ташкил этмоқда. Наврўз маҳалласида жойлашган 70-оилавий поликлиника 20 минг юртдошимиз истиқомат қилувчи 5 та маҳаллага тиббий хизмат кўрсатади.

— Авваллари одамлар поликлиника деганда фақатгина тиббий дафтара очилмади, — дейди оилавий поликлиника мудири Уғлило Маҳмудова. — Бугун поликлиникаларнинг вазифаси тубдан ўзгарган. Энди энг чекка ҳудудлардаги поликлиникага ҳам аҳоли ўзини безовта қилган касалликларни эрта аниқлаш, керакли муолажаларни ўз вақтида олиш учун мурожаат қилмоқда. Зеро, улар замонавий шифохона даражасида керакли жиҳозлар билан таъминланиб, зарур йўналишлар очилган.



тига қараб, уларга тегишли тиббий маслаҳат кўрсатма ва йўланмалар бермоқда.

Хирургиянинг барча йўналишларида тиббий маслаҳатта муҳтож беморларга бу тарзда ёрдам берилиши, зарур ҳолларда пойтахтдаги ва вилоятдаги мутахассислар билан биргаликда жарроҳлик операциялари ўтказилиши натижасида одамларнинг тиббиёт тизимига муносабати ўзгармоқда.

Халқимиз соғлигини мустаҳкамлашга устувор вазифа сифатида қаралиб, ўтган йиллар давомида туманларда ҳам тиббиёт соҳасида катта ислохотлар амалга оширилмоқда. Илгор хорижий ютуқлар ўрганилиб, етарли тажриба тўпланяпти.

Термиз тумани аҳлига жами 9 та бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатувчи 2 та оилавий поликлиника, 5 та оилавий шифокорлик пункти, 2 та кўп тармоқли шифокорлик пункти ва 1 та 140 ўринли марказий шифохона хизмат кўрсатиб келмоқда.

Саломатлик — инсоннинг бирламчи эҳтиёжи. Тиббиёт соҳасини янада ривожлантириш, уни тубдан ислоҳ қилишга қаратилган сий-ҳаракатлар натижасида ҳудудларда оилавий поликлиникалар томонидан кўрсатиладиган тиббий хизмат сифати ҳам ошапти. Бу эса соғлиқни сақлаш соҳасини янги босқичга олиб чиқиш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш ва инсонлар саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Туркман халқининг буюк шоири Махтумқулнинг “Соғлиқ қадрини бил, токи хаста бўлмасдан бурун” деган сатрлари бор. Аслида, шундай. Хасталикни даволагандан кўра, унинг олдини олган маъқул. Ўзида, оиласида соғлом турмуш тарзини шакллантирган инсонлар тартибли ва вақтдан умумли фойдаланиб, умридан мазмун топаётганлар сирасига кириди.

Сурхондарёда ҳам кейинги йилларда ушбу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзи одатда кимдир ишга бораётганда пиёда юришни афзал билади, яна кимдир тонг сардан бадантарбия билан машғул бўлади. Енгил юриш инсон организмнинг умумий ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади. Мушакларни бақувват қилади, суяк тўқимасини мустаҳкамлайди, ҳаракатларни мувофиқлаштиришни ривожлантиради. Жисмоний фаолиятнинг бундай тури ҳаракатнинг энг хавфсиз ҳисобланиб, уни даярли ҳар бир киши бемалол бажаришга қодир.

Абдумалик Эшмуродов Термиз туманининг Халқобод маҳалласида яшайди. Қаҳрамонимиз 70 ёшда бўлишига қарамай, ҳар куни тонгда 1 соат вақтини енгил юриш, югуриш ва бадантарбия машқулига сарфлайди.

— Шу ёшга кириб ҳам ҳеч бир дардга чалинмадим, — дейди Абдумалик Эшмуродов. — Бор гапки, хасталикни киши иродасини буюкиб, эртанги кунга бўлган умидини сўндиради. Буни кўпроқ бошидан ўтказган ёки ёши улуг инсонлар яхши билади. Улардан жисмоний ҳаракат инсон саломатлиги учун қанчалик аҳамиятли эканини сўрашимиз билан, соғлигини мустаҳкамлаш учун жисмоний ҳаракатни қанда қилманг, деган даъватомуз фикрларни эшитаман.

Ана шунда хотиржам ва фаровон ҳаёт кечирган, қўллаб асратилган хасталикларнинг олдини олган бўлаемиз. Шунга монанд равишда амалга оширилаётган тиббий ислохотлар ҳам юртдошларимизнинг соғлом ва бахтли умр кечиришидек эзгу мақсадларига хизмат қилаётгани билан аҳамиятли.

ШАХС ТАРБИЯСИ САРИ...

Одатга айланаётган иллатлар, омадини кутаётган таваккалчилик

Тошойна

Сардор ТОЛИБОВЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Дунёга ўз тафаккури билан қарай бошлаган инсон нима учун яшаётгани, миссияси қандай экани, қилаётган амалларнинг тўғри ёки хатолигини ўйлаши табиий. Шиддатли замонда инсон бажараётган амали билан ҳисоблашиб, қилаётган ишнинг тафаккур тарозисидан ўтказмас, “оммавий маданият” таъсирига тушиб қолиши ҳеч гап эмас. Бугун чегара билмас бу “маданият” таъсири ортдан енгил-елпи ҳаётни танлаётган, фақат ўзи, эрта эмас, балки бугун учунгина ҳаракат қилаётган, яшашдан мақсад тополмаётган ёшлар борлиги хавотирли.



Бундай вазиятда ҳар бир мамлакат соғлом фикрли ёшлар қувватига эҳтиёж сезади. Яъни инсоннинг маънавий кўргони бўлмиш қадриятларга содиқ, ватани тақдирига дахлдорлик ҳис этиб, тараққиётга ҳисса

қўшадиган йигит-қизлар майдонга чиқиб керак бўлади. Бундай ёшларни юзага чиқаришда ягона қурол таълим ва тарбиядир.

“Бизни ҳамisha ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқароши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаришти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким — ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айни вақтда ўзларини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуг зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбидоимо акс садо бериб, ўзларига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан”, деган эди давлатимиз раҳбари.

Бугунги шиддатли, алғов-далғов замонда, фаровон келажак сари биринчи қадам ёшлар тарбияси билан ташлашишга алоҳида урғу берилиши бежиз эмас.



“Тирикчилик учун битта устара ва битта қайроқ кифоя...”

Болани ёмон йўлдан қайтариш, улар жамиятда ўрнини топишда қаттиққўллик ягона ечим деб биладиганлар ҳам йўқ эмас. Болалар орзусини айтганида: “Одам бўлмайсан”, “Отанг ким эди-ю, сен ким бўлардинг?”, “Қачон бошқаларнинг боласига ўхшаб пул топасан...” каби қистов ва маломатлар билан ўдағайлайдиган ота-оналар топилади. Бу қаттиққўллик қайсидир жойда қўл келиши мумкин. Аммо кўпинча болаларнинг руҳини синдиради.

Шундай қаттиққўллик айрим ёшларни тирикчилик ташвишига қўйиб қўётгани бор гап. Абдулла Қаҳҳор айтганидек: “Тирикчилик — ўлмасдан, тупроқ ташқарисда юриш деган сўз. Тирикчилик учун битта устара билан битта қайроқ ҳам кифоя қилади...”. Баъзида арзимаган юмушлар ортдан болаларни кун ўтарга яшашга ўргатиб қўйгандекми.

Боланинг қоринни тўйдириш, уст-бошини бут қилиш билан ота-она фарзанд олдига ўз бурчимни бажардим деб айтиши ўринли эмас. Миллатни емиртувчи минг турли ажнабий иллатлар пойғасида ота-она қорин тўйишидан

баландроқ дунёқарошига эга бўлиши керак. Бу борада ҳаммага бирдек ҳукм ўқиб, адолатнинг кўчасидан олиб ўтишдан йироқми.

Яқинда ижтимоий тармоқларни кузата туриб, бир воқеага кўзим тушди. Овқатланиш пойғаси. “Агар икки кило сомани 15 дақиқада еб берсангиз, сомса текин бўлади”, шу каби бошқа турли овқатларда ўз кучини синаятлаш кўпайиб бораётгани, уни томоша қилаётиб, ўзининг кучини ҳам синаятлаш истаги уйғонаётганлар кам эмасдек. Ҳамма нарсадан иллат қидириш яхши эмас, дейсизми? Албатта, яхши эмас. Ахир ҳар кимга овқатланиш ҳуқуқи берилган. Мени ўйлантираётган жиҳат — бу каби енгил-елпи томошалар пойғаси айланаётгани. Аввало, қаердаги бир блогернинг “лайк” йиғиши, қайсидир емакхонанинг рекламасини қулайтириб беришдан инсон соғлиғи устун эмасми?!

Бугун жаҳон саҳнида қурол-яроқлар эмас, балки ғоялар ўз кучини кўрсатмоқда. Ёт ғояларга қарши миллий мафкура билан қуролланган жамиятларга ташқи таъсирлардан болаларнинг онгу руҳини сақлаб

қолмоқда. Миллий мафкура қорин гамидан баландроқ. “Миллатни заифлаштирувчи, турғунликка — таназзулга олиб борувчи омил ғоясизлик, мақсадсизликдир. Тарих неча маргалаб ақлу истеъдодига қойил бўлган Шарқ халқлари нега бундай залолатта ботди?.. Сабаби — ғоясизлик.

...Улар ёлғиз шу куннинг, шу қадиқанинг манфаати, қоринни тўқлаб олиш манфаати билан яшади ва ҳозиргидан бир неча марта яшироқ ишламоқ ва яшамоқ мумкинлигини билмайди.

“Бизда тушни таъбир қилувчи рисодалар, гул ва булбул ҳақидаги қўшиқлар, ўзи бир қарич, соқоли қирқ қарич полвон ҳақидаги китоблар кўп, аммо миямизни қоплаб олган жаҳолатни тарқатувчи, аҳволимизни тушунтириб бергучи, тараққиёт, келажак ҳусусида ўйлашга, олдига интилишга мажбур этадиган бирор китоб йўқ. Шундай экан, маорифга, тараққиётга интилишни ўз олдимизга вазифа ва орзу қилиб қўймоқ керак эмасми?!” деган эди адабиётшунос Беғали Қосимов.

Одат эмас – ИЛЛАТ

Бугун атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга аниқ баҳо бериб, ривожланишнинг соғлом режасини тузиш мушкул. Бошқаларга қараганда, 50-60 йил илгарилаб кетган давлатлар ҳам маънавий инқироз ботқоқига ботиб бораётгани, ундан чиқиб учун моддий имконият, замонавий технологиялар ечим бўла олмаслигини кўриб, билиб турибмиз. Демак, илм-фан билан бирга маънавий ўзандан тўйинган, қадриятлар асосида суяги қотган, ватан тақдирига дахлдор инсонларга зарурат олиб боради. Чунки шу орқали тобора интеграциялашган дунёда ўз ўрнимизни белгилаб олишимиз мумкин.

Кейинги вақтларда болалар ахлоқидagi салбий ўзгаришлар, кўчадаги енгил-елпи ҳаётга кўнгиб бораётгани ҳақида кўп эшитяпмиз. Бунинг айбдорини ҳам топиб



қўйганмиз — ижтимоий тармоқлардаги беҳаё видеолар ва “оммавий маданият” таъсири... Хўш, шундай ҳам дейлик, аммо ғоявий оқимлар таъсирида ҳам ҳар томонлама комил болаларни етиштираётган инсонлар кўп-ку! Унда сабаб қаерда? Бу саволнинг жавобига кейинроқ тўхталамиз.

Абдурауф Фитрат: “Халқнинг ҳаракат қилиши, давлатманда бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши, заиф бўлиб хорликка тушиши, фақирлик жомасини кийиб, бахтсизлик юкни тортиб эътибордан қолиши, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши болиқдан ўз ота-оналаридан олган тарбияларига боғлиқ. Болалар ахлоқий тарбияни муҳитдан оладилар, бошқача айтганда, болалар сувга ўхшайди, сув идишининг шаклини олганидек, болалар ҳам муҳитнинг одоб-ахлоқини қабул қиладилар”, дейди.

Болалар — сув, муҳит — идишга ўхшар экан, биз улардан кутаётган одоб-ахлоқ муҳитини бунёд эта оляпмизми? Еки ўзимиз ноҳитган иллатларга ўзимиз замин яратмапмизми?

Бир вилоятга тўйга бордим. Ёзилган дастурхон, “Тўрга ўтинг”, “Олинг, олинг” ўз ўрнида. Бир вақт даврага “жон киргизиш” учун айрилган руҳи ўлик сўзлардан иборат кўшиқ янгради. Давранинг ўртасига ўйинчи чиқди (афсуски, бу каби кўнглини хира қиладиган ҳолатлар баъзи жойларда табиий қабул қилинар экан). Бир вақт одамлар унинг атрофида ўйнаб пул қистирди. Ёнимизда ўтирган, энди мўйлови сабаза урган болалар ҳам бу “анъана”ни давом эттирди. Буларни кузата туриб, кун ора янги “урф-одат” билан бойийдиган тўйларга қачон одамларнинг кўзи ўргангани,

уни оддий қабул қила бошлагани ҳақида ўйладим. Қизик воқеа кейин бўлди. Одатда қишлоқ жойларда аёллар тўйга болаларини ҳам етаклаб боради. Шундайин бу тўйхонада бир томонга аёлларга жой қилинган. Улар ўтирган ўриндиқлар атрофида болалар ўйнаб юрибди. Бир вақт ўйинчи атрофида ўша аёллар гир айланиб, пул қистира бошлади. Оналарнинг ҳаракатини хотирасига муҳрлаётган болалар бу манзарани кўз юммасдан томоша қилди...

Куш уясиди кўрганини қилади, дейишди. Ҳали одамни камолга етказадиган тушуналардан еки уни таназзул ботқоқига тортиб кетадиган иллатлардан беҳабар бола эртага отаси ё онаси қилган ишни такролламаслигига ким қафолат беради?

Номуш Шарқ халқларида жон масаласи каби улугланган туйғудир. Бу туйғунинг улуглиги болаларга нафақат қон билан кирган, балки муҳит орқали ҳам синдирилган. Отананинг ҳаётий таърибаси — бир-бирига ҳурмати, садоқати, ҳамфикрлиги, имони, инсофи, меҳнатсеварлиги, оилапарварлиги, энг муҳими, ахлоқий жиҳатлари фарзандлар учун камолот мактаби бўлган. Бу мактабда болалар бир умр эътиқодига собит бўлиб тарбияланган. Фарзанд ота-онанинг амаллари орқали ибрат моҳиятини англайди. Сўнг шу эътиқоддан келиб чиқиб ҳаёти давомида ҳайрли ишларга бўш уради. Шу каби маҳаллада, кўча-кўйда, қўша жамоат жойларида ёши катта инсонлар ўзлари билиб-билмай ёшларга қайсидир жиҳатдан ибрат бўлиши мумкин.

Энди юқорида бошлаган мулоҳазани давом эттирсам. Ёшларнинг хулқ-атвори бузилишига нафақат “оммавий маданият”, балки бош омил бўлмиш муҳит, одамлар ўйлаб топган урф-одатлар таъсири кучлироқ бўляпти, наздимда.

Шахс қани, ЎЗЛИК-ЧИ?



Талабалгимда хориз университетининг филиали биз ўқийдиган бинога вақтинчалик кўчиб келди. Унда ўша давлат ёшлари билан бирга ўзбеклар ҳам тахсил оларди. Бир йўлакдан юриб, кўз кўзга туша бошлагандан сўнг хориз ёшлари билан тилмоқ орқали суҳбатлашиб, у давлатнинг маданияти, тили ва бошқа урф-одатларига қизиқа бошладик. Бора-бора ўзимизда ўқийдиган баъзи курсдошларимиз биз билан кўриша туриб, ўша тилда сўзлай бошлади. Олдинги тил ўрганишга ҳавасдан, дея ўйладик. Аммо... Ўзи танлаб кирган йўналишининг зўр мутахассиси бўлиб, тугилиб ўсган вилоятга қайтиб боришни кўзлаб юрган курсдошларимизнинг баъзилари ўша давлатда мўмайгина пул топиш мумкинлигини эшитиб, кетиш режасини тузишга киришди. Улар олти ой турган бўлса, бу вақт ичида ажнабийларнинг

қадриятларимизга умуман, тўғри келмайдиган байрамларини нишонлаган ўзбек ёшларини кўрдим. Ҳа, улар ёт маданият таъсирини шўнгиб кетган эди. Ҳатто кўча-кўйда юзларига алламбалолар чизиб, ҳаёсизликни маданият, дея тарғиб қилганларини кўриб одамнинг номуш кўзгалди. Уларнинг муддаоси ватанида туриб, ўзга ватанининг оғушига тушиш бўлиб қолганди.

Бугун ўша курсдошларимизнинг қайсидирини хоризга кетгандир. Балки мўмайгина пул ҳам топаётгандир. Аммо йўқотиш-чи?.. Инсоннинг шахс эканини паспорт тасдиқлайди. Унда шахснинг миллати, ватани кўрсатилади. Аммо ҳақиқий шахслик ҳужжат билангина ўлчанмайди...

Одамнинг тирикчилигини — шахс эканининг биринчи белгиси унинг миллий қадриятларга қанчалик содиқлиги. Моддий ўлчовларни ватан туйғуси билан солиштиришдан йироқ инсонлар камолга етишишида тарбиянинг аҳамияти, ота-онанинг ўрни катта.

Мақолаимиздан кўзланган мақсад тарбияга юзаки қарамасдан, унинг катта бир илм эканини яна бир бор эслатишдир. Биз кўтарган муаммоларнинг асл сабаблари жамиятимизда илдиш отаётган иллатлар ва уларнинг таъсирида шаклланиган муҳит ва унинг олдини олиш ҳақида.

Ёшларга миллий анъаналаримизни ўргатиш, тарғиб қилиш билан бирга тўймаъракаларни, одат ва удумларни ихчамлаштириш, бу борада исрофгарчилик ва дабдабозликка йўл қўймасликка алоҳида эътибор қаратиш керак. Сабаби бу урф-одатлар оилада бўлади. Ҳар бир оилавий анъана ва удум мафкуравий тарбиянинг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Ўзбек оиласи учун муқаддас саналган қадриятларга содиқлик, ёши улуг кишиларга ҳурмат, ўзаро бағрикенглик, фарзандига тўғри тарбия бериш, ор ва номушнинг энг улуг туйғу даражасида ушлаш соғлом мафкуравий муҳитни шакллантиришга хизмат қилади. Бу муҳит эса ёшларнинг орзу-истакларига қанот бағишлайди.

Омаднинг оёғи бўлмайди

Одатда қишлоқ ҳақида гап кетса, қадриятлар, меҳр-оқибат нисбатан сақланиб қолган жой тушунилади. Бунга аксариятимиз гувоҳ бўлганмиз. Содда одамларнинг дилкаш суҳбати билан улғайган боланинг руҳий олами тоза бўлади. Аксарият ҳудудларда бугунгача сақланиб келаётган бахшларнинг халқона айтимлари билан улғайган боланинг тафаккур олами, миллий қиёфасига “оммавий маданият” таъсир ўтказиши анчайин қийин масала.

Аммо қишлоқ одамларининг дунёқарошига ҳам замона таъсир этмоқда. Бир сафар қишлоқдош аканинг суҳбатини олдим. Заводда ишлаб, анчайин ўзини ўнглаб олган. Бешта боласи бор. Унинг болаларини ўқитиш учун имконияти ҳам етарли. Гап орасида телевизордаги лотереяга ўхшаш шоуининг таърифини узоқ гапирди. Ойига топаётган пулининг ярмини шу шоу учун тикаётганини айтиб гурурланди, чамамда. Гап орасида уч йилдан бери омади келмаётганини ҳам қўшиб қўйди. Ойлигининг ярми, 3 йил... Ўзимча ҳисоблаб кўрдим. Бемалол икки фарзанднинг хорижий тилини



ўрганиш учун кетадиган харажатини қоплар экан. У эса ҳамон янги машина ютиб олишдан умидвор.

Ҳар ким ўз мулкига эгаллик қилиш ҳуқуқига эга. Уни қандай сарфлашни ҳам ўзи ҳал қилади. Аммо бугун болалар таълими, тарбиясидан “тежалган” пуллар эртага қора меҳнатдан бошқасига ярамайдианлар сафини кенгайтиришдан бошқа нимага хизмат қилади?!

Ахир болалик омаднинг оёғи чиқиб келишини кутмайди. Бежиз болалиқда ўрганилган билим тошга ўйилган нақш каби-дир, дейишмайди. Бугун юртдошларимиз орасида таваккалчиликка муккасдан кетганлар кам эмас, афсуски. Улар шу пулларни фарзанд таълим-тарбиясига сарфласа, дейлик, бугун ўзга давлатга даволаниш учун кетаётган юртдошларимизни ўзимизда даволайдиган шифокор ёки бошқа замонавий касб эгалари кўпайди. Шу орқали улар ўзи тенгқур қанчалаб ёшларни ишли қилиши мумкин.

Бу “омадчилар” ҳаёт синонларидан қочиб, омади келишини кутиб яшайдиган, меҳнат қилишдан кўра, таваккалчилик мевасига кўз тикаётган ёшлар сафини кўпайтириш учун ўрناк бўлаётгандек гўё.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти) ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограф” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 4006
41157 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматова
Мусаҳҳих: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Хуршид Абдуллоев

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй